



Житзах вилоят ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш маркази  
Директори С.Я.Алиқулов

2022 йил

Житзах вилоят ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш маркази учун пулли хизмат миқдори ҳисобидан, оила-овқат маҳсулотлари харид қилиш бўйича таъинлов ўтказиш комиссияси

2022 йил 29-август

### МАЖЛИС БАЁННОМАСИ № 7

Житзах шаҳар

Житзах вилоят ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш маркази директори С.Я.Алиқулов  
(Бюджет ташкилоти номи, раҳбари, раҳбар Ф.И.О.)  
2021 йил 29-декабрдаги № 36-сонли буйруғи билан тасдиқланган таъинлов комиссияси аъзолари қуйидаги таркибда

#### Қатнашчилар:

Фармонов Раҳмат Хайратуллоевич - Житзах вилоят ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш маркази бошқаруви таъинлов комиссияси раиси

#### КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ:

Тўраева Нонна Фохриддин қиз  
Эгамбердиев Абсалом  
Мирзаева Махсуда Султоновна  
Норбўтаева Сайёра  
Хамрақулова Зилла

Котиба – таъинлов комиссиясининг котиби  
Иштирокчи – комиссия аъзоси  
Ҳисобчи – комиссия аъзоси  
Ҳашири – комиссия аъзоси  
Ҳашири – комиссия аъзоси

#### Кун тартиби:

Аутсорсинг хизмати маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилиш (божарини) бўйича маълум алоқорат порталга жойлаштирилган эълон (талабнома) га асосан маҳсулот турлари  
Талабгорлар томонидан таъинлов тақдим этилган ҳужжатлар туғри расмийлаштирилганини, тўлиқлигини ва туғрилик ҳолатида

№	Товар (иш,хизмат)нинг номи	Улчаш бирлиги	Сони (миқдор)	"YAKSART INTER IMPEKS" MCHJ		"MUMIN OTA 1954" MCHK	
				нарсани	Суммаси	нарсани	Суммаси
1	Аутсорсинг хизмати	шт	1		11000000		10850000
	Жами:	х	х		11000000		10850000

Тақдим этилганлиги аниқланди. Сўнг Житзах вилоят ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш маркази учун товар (ишлар, хизматлар)ни харид қилиш (божарини) бўйича талабгорлар томонидан тақдим этилган тақлифларни таъинлов иштирокчиларга ўқиб эшиттирилди. Шу муносабат билан боғлиқ комиссия аъзолари талабгорларнинг тақлифларини ўрганиб чиқилганда, бу тақлифлар амалга оширишнинг мумкинлигини ва асосланганлигини эътибор беришлари лозимлиги таъинланди.

Комиссия аъзолари Аутсорсинг хизмати товар (ишлар, хизматлар)дан харид қилиш бўйича талабгор томонидан тақдим этилган тақлифларни ўрганиб чиқиб "Аутсорсинг хизмати"нинг тақлифи харидлов (бузартгани)нинг барча талабларига жавоб беришини аниқлади. Комиссия аъзоларининг фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олганда бу тақлифларнинг ҳақини беришнинг мумкинлиги таъинланди.

#### Қарор қилади:

"MUMIN OTA 1954" MCHK томонидан Аутсорсинг хизмати товар (ишлар, хизматлар)ни етказиб бериш (божарини) бўйича тақдим этилган тақлифни энг маълум ва мақсадга мувофиқ деб топилсин ва бу талабгор таъинлов раъси деб топилсин.

Хайъат раиси

Фармонов Р.Х.

Аъзолари

Тўраева Н.Ф.

Эгамбердиев А.

Мирзаева М.С.

Норбўтаева С.А.

Хамрақулова З.Р.

## ШАРТНОМА № 7

(Аутсорсинг усулида тиббиёт муассасаларида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш бўйича)

29 август 2022 йил

Жиззах шаҳри

«Мўмин Ота 1954» МЧДК директори А.Жўраев жамият Устави асосида фаолият юритувчи бир томондан, Жиззах вилоят ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш маркази директори Алиқулов С.Я. марказ Устави асосида фаолият юритувчи иккинчи томондан, (келгусида томонлар), ушбу шартномани

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.02.2016 йилдаги 31-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.09.2018 йилдаги ПК-3953-сонли қарори, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 13.12.2018 йилдаги 646-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Соғлиқни сақлаш вазирлигининг чора тадбирлари режасига асосан, тиббиёт муассасаларининг кўшимча ва ёрдамчи функцияларини хусусий секторга ўтказиш юзасидан 2022 йил учун тузилган чора тадбирлар режаси” асосида ушбу шартномани туздик.

### I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. “Бажарувчи” ушбу Шартнома иловасида кўрсатилган спецификацияга мувофиқ мажбуриятини олади, “Буюртмачи” ушбу хизматларни ва товарларни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади. Кўрсатиладиган хизматларнинг катъий турлари, миқдори ва баҳоси ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлган спецификацияда келтирилади.

### II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУКЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

- бажарувчидан техник шартларга лозим даражадаги хизматларни кўрсатишни талаб қилиш;
- лозим даражадаги сифатда хизмат кўрсатилмаган тақдирда, ўз хоҳишига кўра қуйидагиларни талаб қилиш:
  - камчиликларни бепул бартараф этиш ёки Буюртмачининг ёки учинчи шахснинг камчиликларни бартараф этишга донр харажатларини қоплаш;
  - баҳосини мутаносиб равишда пасайтириш;
  - шартнома шартларининг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш.

2.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- ушбу Шартнома шартларига мувофиқ кўрсатилган хизматларни қабул қилиш;
- ушбу Шартноманинг 3.1 ва 3.2-бандларига мувофиқ кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириш.

2.3. Бажарувчининг ҳуқуқлари:

- буюртмачидан амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ва ҳажмда кўрсатилган хизматлар учун олдиндан тўлов ва якуний ҳисоб-китобларни амалга оширишни талаб қилиш;
- буюртмачидан бажарилган ишни қабул қилишни асоссиз равишда рад этиш натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

2.4. Бажарувчининг мажбуриятлари:

- ушбу шартномага мувофиқ ёки Буюртмачининг ушбу шартноманинг 4.8-бандида белгиланган тартибда у томонидан тақдим этилган техник топшириққа биноан хизматларни белгиланган муддат, миқдор ва сифатлар бўйича кўрсатиш;
- агар хизмат кўрсатиш жараёнида Бажарувчи шартнома шартларидан ва техник шартлардан четга чиқса, Буюртмачининг талабига биноан уч кун ичида аниқланган барча камчиликларни бепул бартараф этиш.



### **III. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

3.1. Ушбу шартноманинг баҳоси 10 850 000 (Ўн миллион саккиз юз эллик минг) сўм, ҚҚС билан (ҚҚС сиз).

Кўрсатиладиган хизматларнинг баҳоси ушбу шартноманинг иловасида кўрсатилади.

3.2. Буюртмачи тақдим этиладиган хизматнинг 30 фонзи миқдорда олдиндан тўловни амалга оширади ва маблаг Бажарувчининг ҳисобрақамига келиб тушган сандан бошлаб ушбу шартноманинг мажбуриятлари бажарилиши бошланади.

Кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китобнинг қолган қисми бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома имзоланганидан кейин уч иш куни ичида амалга оширилади.

3.3. Хизматлар бўйича ҳисоб-китоблар банк ўтказмаси орқали Бажарувчининг ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

### **IV. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИШ**

4.1. Шартнома шартлари ушбу шартнома ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ белгиланган тартибда амалга оширилади.

Агар томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган бўлса, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартномани бажаришдан бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши санаси ҳисобварақ-фактура тузилган кун деб ҳисобланади.

Ҳазначилик штампидида кўрсатилган сана Буюртмачининг хизматлар учун тўловларни тўлаш бўйича мажбуриятларини бажарадиган кун ҳисобланади.

4.4. Буюртмачининг розилиги билан хизматлар муддатидан олдин тақдим этилиши мумкин.

4.5. Буюртмачи белгиланган муддатларни бузган ҳолда кўрсатилган хизматни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.6. Белгиланган миқдордан ортиқ битта номдаги хизматни кўрсатиш худди шу техник топшириққа киритилган бошқа номдаги хизматнинг камчиликларини тўлдирish деб ҳисобланмайди, камчиликлар тўлдирилиши лозим, Буюртмачининг олдиндан ёзма розилиги билан амалга ошириладиган ҳолатлар бундан мустасно.

4.7. Кўрсатилаётган хизмат тўғридан-тўғри Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан тақдим этилаётган хизматлар ҳажми, уларнинг сифати кўрсатилган ҳисобварақ-фактура бўйича қабул қилинади.

Шартномада назарда тутилган хизматлар ушбу шартномага мувофиқ ёки ушбу шартномада белгиланган муддатларда ва ҳажмларда амалга оширилади.

Буюртма бевосита (қўлда), почта орқали ёки бошқа усул билан хизматларни кўрсатиш назарда тутилаётган сана бошланишидан беш кундан кечиктирмай тақдим этилади. Буюртма бевосита (қўлда) қабул қилганда, Бажарувчининг ходими Буюртмачида қоладиган буюртма нусхасида қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.8. Буюртмачи илгари берилган буюртмани бекор қилишга ёки хизматларнинг тегишли қисмини кўрсатиш санасини Бажарувчини буюртмада кўрсатилган сандан камда бир кун олдин хабар берган ҳолда ўзгартиришга ҳақли.

### **V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

5.1. Тақдим этилаётган хизматларнинг сифати, миқдори, уларнинг баҳоси Бажарувчи томонидан нотўғри белгиланганлик ҳолати аниқланган тақдирда, Бажарувчи тақдим этилаётган хизматларнинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб ишларини амалга оширади ва ушбу ҳисобланган суммага қўшимча равишда миқдорга нотўғри ҳисобланган сумманинг 20% миқдорда жарима тўлайди.

5.2. Агар тақдим этилаётган хизматларнинг сифати шартномада кўрсатилган техник ва бошқа шартларнинг талабларига жавоб бермаса, айбдор томон тақдим этилган сифати лозим даражада бўлмаган хизматлар баҳосининг 20% миқдорда жарима тўлайди.

5.3. Жарима ва пенядан ташқари, Бажарувчи Буюртмачига хизматларни тақдим этмаслик натижасида etказилган зарарни қоплайди.

5.4. Хизматлар кечиктирилган ёки кўрсатилмаган тақдирда, Бажарувчи Буюртмачига ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди; аммо жариманинг умумий миқдори кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани тўғри бажаришдан ва хизматларни кечиктириш ёки кўрсатмаслик оқибатида etказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

5.5. Кўрсатилган хизматлар учун тўловни ўз вақтида тўламаган тақдирда, Буюртмачи Бажарувчига ҳар бир кечиктирилган кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда, лекин муддати ўтган тўлов миқдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.6. Буюртмачи шартноманинг тегишли шартини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликка тортилганда, тегишли ҳаракат (ҳаракатсизлик) натижасида Буюртмачи томонидан шартнома шартлари бажарилмаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) юзасидан Бажарувчининг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади.

Буюртмачининг Бажарувчи айби билан шартномани бажармаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) натижасида etказилган зарар, белгиланган тартибда Бажарувчи томонидан қопланади.

5.7. Томонларнинг ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик масалаларни Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

## **VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

6.1. Томонлар ўртасида ушбу келишувдан келиб чиқадиган низолар томонлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

6.2. Томонлар ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал қилинмаган низолар Жиззах шаҳар иқтисодий судида ҳал қилинади.

## **VII. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ**

7.1. Агар ушбу шартнома тузилгандан сўнг, ушбу шартномада белгиланган мажбуриятларнинг бирон бир томонни тўлиқ ёки қисман тўғри бажаришига тўсқинлик юзладиган ҳолатлар юзага келса ва агар бундай ҳолатлар, яъни ёнгин, тошқин, зилзила, бошқа табиий офатлар, экспорт ёки импортга тўсиқлар ёки эмбарголар, уруш, жанговар ҳаракатлар, террористик ҳаракатлар, иш ташлашлар (томонлар ишчиларининг иш ташлашларидан ташқари), пандемия, амалдаги қонунчиликдаги ўзгаришлар, давлат органлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан қабул қилинган умумий характердаги қарорлар томонларнинг шартнома шартларини бажаришига бевосита таъсир қилса, тегишли мажбуриятларнинг бажарилиши вақти бундай ҳолатлар бартараф этилган вақтга ёки уларнинг оқибатлари тугаши вақтига кўчирилади.

7.2. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган Томон, ушбу ҳолат ҳақида шунингдек, ҳолатнинг тахминий давомийлиги тўғрисида бошқа Томонни ёзма равишда 7 (етти) кун ичида хабардор қилиши шарт. Агар юқорида кўрсатилган ҳолатлар тўғрисида ўз вақтида хабар берилмаган бўлса, енгиб бўлмас куч таъсирида зарар etказилган Томон ушбу ҳолатларни асос қилиб ололмайди.

7.3. Хабарномада кўрсатилган фактлар расмий манбалар томонидан берилган ҳужжатлар билан тасдиқланиши керак, шу жумладан, пресс-релизлар, бироқ улар билан чекланмаслик лозим. Бундай хабарноманинг йўқлиги, шунингдек тегишли далилларнинг йўқлиги ушбу томонни шартнома мажбуриятларини бажаришдан озод қилинишига асос сифатида юқоридаги ҳолатларни келтириш ҳуқуқидан маҳрум қилади.



7.4. Фавқулодда вазиятлар юзага келган тақдирда, томонлар зудлик билан ўзаро музокаралар олиб борадилар ва фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ёки бартараф этиш мақсадида кўриладиган чоралар тўғрисида келишиб оладилар.

7.5. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари томонларнинг ўз мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қиладиган бўлса, томонларнинг ҳар бири бошқа томонга ушбу шартномани бекор қилишнинг кутилаётган санасидан 10 (ўн) иш куни олдин ёзма равишда хабар юборганидан кейин ушбу шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолда томонларнинг ҳеч бири бошқа томондан форс-мажор ҳолатлари натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли эмас. Шунингдек, Бажарувчи бажарилмаган мажбуриятлари учун Буюртмачидан олинган барча тўловларни Буюртмачига қайтаради ва Буюртмачи Бажарувчининг бажарилган барча мажбуриятларини тўлик тўлайди.

### **VIII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ**

8.1. Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари ҳар қандай ноқонуний устунликларга ёки бошқа ноқонуний мақсадларга эришиш учун бевосита ёки билвосита пул маблағлари ёки қимматликларни тўлашни амалга оширмайди.

8.2. Ушбу Шартнома мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари пора бериш/олиш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва халқаро ҳужжатларнинг талабларини бузадиган ҳаракатларни амалга оширмайдилар. Жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишга оид халқаро ҳужжатлар талабларини бузилиши каби ҳаракатларни амалга оширмайди.

8.3. Ушбу Шартнома Томонларининг ҳар бири бошқа Томоннинг ходимларини ҳар қандай тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул маблағлари, совғалар бериш, уларга иш (хизматлар)ни бепул бажариши ва ушбу бандда кўрсатилмаган бошқа усуллар билан ходимнинг рағбатлантирувчи томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатларни содир этишдан бош тортади.

Ходимнинг уни рағбатлантирувчи томон фойдасига амалга оширган ҳаракатлари деганда куйидагилар тушунилади:

- бошқа контрагентлар билан таққослаганда асоссиз устунликларни тақдим этиш,
- ҳар қандай қафолатлар билан таъминлаш,
- амалдаги тартиб-таомилларни тезлаштириш,
- ходим томонидан ўз вазифаларни доирасида амалга ошириладиган, аммо Томонлар ўртасидаги муносабатларнинг шаффофлиги ва очиқлиги тамойилларига зид бўлган бошқа ҳаракатлар.

8.4. Агар Томонлардан бири мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган коррупцияга қарши курашиш шартларини бузган ёки бузиши мумкин деб гумон қилса, иккинчи Томонни ёзма равишда хабардор қилишга мажбур. Ёзма хабарномадан сўнг, тегишли Томон ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини бузилиш содир бўлмаганлиги ёки содир бўлмаслиги тасдиқлангунга қадар тўхтатиб туришга ҳақли. Ушбу тасдиқ ёзма хабарнома юборилган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида юборилиши керак.

8.5. Ёзма хабарномада Томон контрагент, унинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари томонидан ушбу шартлар ва қондаларнинг бузилганлиги ёки бузилиши мумкинлигини ишончли тарзда тасдиқлайдиган ёки асослаши мумкин бўлган фактларга таяниши ёки тегишли материалларни тақдим этишга мажбур, яъни пора олиш/бериш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш бўйича халқаро ҳужжатлар талабларини бузадиган ҳаракатлар асосланганини исбот қилиши лозим.

8.6. Шартноманинг тарафлари коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриш тартиб-таомилларини тан олади ва уларга риоя этилишини назорат қилади. Бунда Томонлар коррупциявий фаолият билан шугулланиши мумкин бўлган контрагентлар билан

ишбилармонлик муносабатлари хавфини минималлаштириш, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш мақсадида бир-бирига ўзаро ёрдам бериш учун оқилона ҳаракатларни амалга оширадилар. Шунингдек, Томонлар коррупциявий фаолиятга Томонларнинг иштироки хавфини олдини олиш мақсадида текширувлар ўтказиш тартиб-таомилларини амалга оширилишини таъминлайдилар.

8.7. Томонлар ўзларининг содир этилиши мумкин бўлган ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари ва ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларининг бузилиши контрагентнинг ишончилиги рейтингини пасайтиришидан тортиб ушбу шартноманинг бекор қилинишигача бўлган ноҳуш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тан олади.

8.8. Томонлар махфийлик тамойилларига риоя қилган ҳолда ушбу Шартнома бажариш доирасида келтирилган фактлар бўйича тегишли тартиб-таомиллар амалга оширилишини ва амалий қўйинчиликларни бартараф этиш ва юзага келиши мумкин бўлган низоли вазиятларнинг олдини олиш бўйича самарали чораларни қўллашни кафолатлайдилар.

8.9. Томонлар ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларини бажариш бўйича тўлиқ махфийликни, шунингдек, талаблар бузилганлиги фактлари тўғрисида хабар берган Томон учун ҳам, шунингдек, хабар берган Томоннинг ходимлари учун ҳам салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

## IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

9.1. Ушбу шартнома Томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва 2021 йил 31 декабргача амал қилади.

9.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар ушбу шартноманинг барча шартлари бажарилганда ва ҳисоб-китоблар тўлиқ амалга оширилганда тугайди.

## X. ЯКУНИЙ ҚОНДАЛАР

10.1. Ушбу Шартнома томонларнинг келишуви билан ёки Томонлардан бирининг талабига биноан, бошқа томон томонидан шартнома шартлари сезиларли даражада бузилган тақдирда суд томонидан бекор қилиниши мумкин.

10.2. Ушбу шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат ёзма равишда тузилган ва тарафларнинг тегишли ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирда амал қилади.

10.3. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

10.4. Ушбу шартнома, унга киритилган ўзгартиришлар (қўшимчалар) томонлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб оширилади.

## XI. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ

“Бажарувчи”

«Мўмин Ота 1954» МЧЖ  
Самарқанд вилояти Тойлок тумани  
СТИР: 309 310 478 ОКЭД:  
х/р:20208000505495706001  
Саноат қурилиш банки МФО: 00994  
Тел: 942817193



“Буюртмачи”

Жиззах вилоят ногиронлиги бўлган шахсларни  
реабилитация қилиш ва протезлаш маркази  
Жиззах шаҳар Сайилжойи маҳалласи Ц-2 Б  
СТИР: 202 397 694 ОКЭД 86100  
Ш/хк: 401321860084017109405344001  
Марказий банк ХККМ Тошкент шаҳар  
МФО 00014 Тел: 72 226-06-71

Марказий директор

С.Я.Аликулов

